



Пахтакор туманидаги "Зилола" мактабгача таълим муассасаси тарбиявий ишлар намунали ва замон талаблари асосида ташкил этилган. Ҳар бир тарбиячи ўз ишини изланувчанлик билан ташкил этиб, фаолиятларида ноанъанавий илғор педагогик технологияларни қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Шу боис, улар туман ва вилоят миқёсида ҳурмат-эътибор топаётёр.



Улугнор тумани марказида қисқа муддатда 61 та намунавий лойиҳадаги турар-жой қад ростилади. Турар-жой массиви яқинида барло этилган болалар мусика ва санъат мактаби туман маркази чиройига чирой қўшиб юборган.



Учқўрғон туманидаги "Гулхумор" фермер хўжалигида пахта ва галлачиликдан ташқари чорвачилик тармоғи ҳам ривожлантирилмоқда. 5 гектар майдонда илғор технология асосида интенсив бoғ бунёд этилган. Бир гектар майдонда иссиқхона қурилмоқда. Замонавий технологияли нон цехи фаолияти йўлга қўйилмоқда.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу соҳага устувор вазифа сифатида қаралиб, муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинган. Бунда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ғамхўрлик кўрсатиш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.

Умуман, ўтган давр мобайнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож барча қатлами кўлаб-қувватлашга оид қатор ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги 193 та аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, 33 та Саҳоват ва Мурувват уйи, 11 та ногиронлар учун тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация маркази, 8 та сиҳатгоҳ, 2 та ногиронлар учун иқтисодлашган касб-ҳунар коллежи, кам таъминланган оилаларга нафақалар тайёрловчи 8552 та ўзини ўзи бошқариш органи бевосита аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинланиб келинмоқда. Саҳоват ва Мурувват уйларида ҳар йили 6800 нафардан зиёд ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ва маънавий хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш мақсадида реабилитация марказлари тизими шакллантирилди ҳамда уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ҳозирда ҳар йили улларда 15 мингдан зиёд ногиронга тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация хизмати кўрсатиб келинапти. 20 минг нафардан ортиқ яқин ёлғиз пенсионерга уйларида борган ҳолда ижтимоий-маънавий хизматлар кўрсатилляпти. Вазирлик тизимидаги сиҳатгоҳларда йилга ўртача 30 минг нафар фуқаро соғломлаштирилмоқда. Эҳтижмандларга ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва кўлтиқ таёқлар етказиб берилляпти.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан "Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни маънавий-ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Вазирлик ҳамда унга тегишли ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутасаддилари ва оммавий аҳборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган бoшқа масалаларга ҳам атрафилича тўхталиб ўтилди. Бу жарафда маҳалла тизимида олиб борилган ишларга эътибор қаратилди.

Анжуманда қайд этилганидек, Президентимизнинг 2011 йил 30 майда қабул қилинган "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, бу борадаги ишлар янада тақомиллаштирилиб, давр талабларига мослаштирилди. Кексалар ва ногиронларга кўрсатилган тиббий-ижтимоий хизматнинг қароқдорлигини тизими шакллантириш мақсадида бу тоифадаги муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Ўтган давр мобайнида 50 га яқин тиббий-ижтимоий муассасанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди ҳамда уларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Шаропов. — Дунёда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга мамлакатимиз каби катта эътибор қаратган давлатлар жуда камчиликни ташкил этади. Юртимизда бунга мустақилликнинг илк кунлариданоқ доимий эътибордаги масала сифатида қараб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ҳар йилги Давлат дастурида ҳам бу борада қатор чора-тадбирлар белгиланиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилги — "Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳолининг иқтисодий нoчор қатламларини маънавий ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ердамга муҳтожларга меҳр кўрсатиш, яхшилик улашиш, кексаларни қадрлаш халқимизга хос эғзу одатлардан. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмас. Шу жумладан, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб, тақомиллашиб бормоқда. Муҳими, улар бунинг учун давлатимиздан мамнун.

Назарали ТИЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

САНЪАТ БЎСТОНИДА ЯНГИ НИҲОЛЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий мусика санъатини раванқ топтириш, ёш ижрочиларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Истиқлол" саройида 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун "Ниҳол" мукофотини топишига бағишланган тантанали тадбир ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирга тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат таш-

килотларининг вакиллари, санъат илҳомсандлари тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиблари этиб камолга етказиш,

эстетик диди ва тафаккури, дунёқарашини тўғри шакллантиришнинг асосий шарт сифатида мусика санъатини раванқ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидланганидек, ёшларни "оммавий маданият" руҳидаги оқимлар, менталитетимизга ёт,

масалалари муҳим аҳамият касб этади. Айтиш пайтида мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган ижодий танловлар, санъат байрамлари, концертлар, жонли ижродаги кўшиқлар фестивали ёшларнинг мусикий дидини тўғри тарбиялаш, эстетик савиясини янада ошириш, халқимизни янги мусикий асарлардан баҳраманд этишга хизмат қилмоқда.

масалалари муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август куни эрта соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Қашқарө Вилояти

БОЗОРИ ТЎКИН ЮРТНИНГ АҲОЛИСИ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Вилоятдаги 20 та деҳқон бозоридида мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами олдидан савдо ярмаркалари ташкил этилди. Биз ана шу жараён билан қияндан танишиш мақсадида Китоб тумани деҳқон бозорида бўлдик. Расталардаги сархил мевалар, турли сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўриб кўзингиз қувнайди, ободлик ва саришталикдан дилнингиз яйрайди.

Бозор маъмуриятининг маълум қилишича, ярмаркада ҳар куни 3,5-4, ҳатто 4,5 тонна мева, сабзавот, полиз, шунингдек, бир тоннадан ортиқ гўшт сотилляпти. Паландара, Севаз, Хўжайликони, Нурали қишлоқлари соҳибкорлари томонидан етиштирилган шириндан-шакар узумлар, Наримон, Айрончи, Жовуз, Ботман боғларида пишиб етилган нок ва олма, Макрид, Олақўйлик, Бештерак, Сурум, Гулгунпаш, Бектемир қишлоқларидан келтирилган сархил сабзавот маҳсулотлари хариддорларни ўзига чорлайди. Навқат, Сўпи, Минглав, Санам қишлоқларидан келтирилган ошқўку резаворлар ярмарка расталарини беэаб турибди.

— Бозоримиз ҳудудидаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари сифатли таъмирланди, — дейди "Китоб деҳқон бозори" МЧЖ раиси Ражаббой Собиров. — Урта кириш-чиқиш дарвозалари ҳам тартибга келтирилди.

Деҳқон бозоримизнинг асосий тузилмаси ва расталарининг жойлашиш тартиби ишлаб чиқилди. Расталарда маҳсулотлар турига қараб жойлаштирилган. Гўшт ва сут маҳсулотлари учун алоҳида павильонлар ишга туширилди. Бундан ташқари, бу ерда "Халқ банки"нинг туман филиали шохобчаси фаолият юртияпти. Шунингдек, "Фахриддин тайёрлов савдо" корхонаси билан ҳамкорликда гўшт-сут шохобчаси қурилди. Бу ерда гўшт ва сут маҳсулотлари туманимиздаги фермер хўжалиқларидан шартнома асосида келтириляпти. Савдо ярмаркаси ҳам намунавий ташкил этилди. Ҳар куни тумандаги деҳқон ва фермер хўжалиқларидан мева, сабзавот, полиз, шунингдек, чорва маҳсулотлари келтириляпти. Бозор ветеринария лабораторияси иши ҳам яхши ташкил этилган. Лаборатория "Микон" русумли экспресс ускунаси билан жиҳозланди. Ҳар куни юздан зиёд маҳсулотлар лаборатория текширу-



видан ўтказилляпти.

Бозори тўкин юрт фаровон юртидир. Гавжум бозорни айланар эканмиз, хариддорларнинг мамнуллигини кўрдик. Бу сероблик шарофати, деҳ-

қон меҳнати маҳсули. Энг муҳими, яратиб берилган шароитда.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Рашида ГАЛИБЕВ олган сурат

Қорақалпоғистон Республикаси

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Жиззах Вилояти

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТУРМУШ ОБОД, ЭЛ САЛОМАТ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз борар экан, қишлоқ жойларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш орқали мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганини кўрамиз. Ўтган даврда жойларда умумий амалиёт ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тамойиллари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

марказий поликлиника, оилавий поликлиника, 15 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бирлашмага қарашли даволаш масканлари 415 та домий даволаш ўринлари эга бўлиб, 155 нафар шифокор, 626 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.


– Даволаш масканларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилади, – дейди Чимбой тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Света Алламуратова. – Бу Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида бирлашмага қарашли даволаш масканлари «Саломатлик» лойиҳаси бўйича РУМ-30 русумли рентген аппарати, битта кўчма флюорография рентген аппарати, иккита кўчма рентген аппаратлари олиб келиниб, хизмат сифати тубдан яхшиланди.

лар билан таъминланди. 2007 йилда эса туман тиббиёт бирлашмасида «Шошилич ёрдам» бўлимининг шохобчаси очилди.

Бола тарбияси нихоятда мураккаб, масъулиятли ва ўта шарафли ишлардан бири. Негаки, ҳар бир инсоннинг келажақдаги бутун ҳаёти, маънавий олами болалиқда олган яхши тарбиясидан бошланади. Шу боис, мамлакатимизда бола тарбияси ва ёшлар камолоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

ИЗЛАНИБ ИШЛАБ, ИШЛАБ ИЗЛАНАЁТГАНЛАР

— Бугунги болажонлар кечагилардан анча фарқ қилади, — дейди Пахтакор туманидаги «Зилола» мактабга таълим муассасаси мудири, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Холида Эгамова. — Чунки улар ахборот технологиялари жадал ривожланиётган замонада яшашмоқдалар. Бу эса уларга у ёки бу даражада таъбир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай экан, ҳали оқ йилдан қорани, яхши билан ёмонни ажратишлари қийин бўлган келажагимиз ворисларини мустаҳкам қалби, собит эътиқодли, гўзаллик ва яратувчанлик ошуфталари этиб тарбиялашимиз керак.



Бунда болажонларни гўзал табиатга, яратувчан одамларга, моддий бойликларимизга қай даражада яқинлаштири олишимиз мўҳим аҳамият касб этади. Биз ўз тарбиявий ишларимизда шунга эътибор қаратаётимиз. Зеро, Юртбошимизнинг бутун дунёда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётгани, шунинг учун ҳам бу борада ҳамма ҳушёр ва огоҳ бўлиш, фарзандларимизнинг юрагида турли зарарли таъсирларга мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш ҳақидаги доимий даъвати биз, тарбиячилар зиммасига нақадар катта масъулият юклайди. Шу боис, боғчамиздаги ҳар бир тарбиячи ўз ишларини давр талаб этаётганидай, изланувчанлик билан ташкил этиб, фаолиятларида ноанъанавий илгор педагогик технологияларни қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда бизнинг

САНЪАТ БЎСТОНИДА ЯНГИ НИҲОЛЛАР

(Боши 1-саҳифада) Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан юртдошларимиз юрагига этиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатган 17 ёшдан 25 ёшгача



бўлган иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида берилмаётган. Айна пайтда «Ниҳол» мукофоти янгидан-янги истеъдодларни кашф этиш, уларнинг ижодини катта сахналарда намойиш этиш учун яқиндан кўмаклашиш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Ниҳол» мукофоти саралаш 2006 йилдан буён уч босқичли тизимда ўтказилмоқда. Бундан қўзғалган асосий мақсад мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган истеъдод эгаларининг ижодини тарғиб этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига қўра ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилиши кўзда тутилган. Бу юртимизда гоёвий-баддий юксак савиядаги янги кўшиқлар ва мусиқий асарлар яратиш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш ва шу асосда «Ниҳол» мукофотининг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

2012 йилда ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичларида ёшлар ўз истеъдодини турли ҳудудлар ва юртимизнинг кўзга кўринган мутахассисларидан тарихий топган экспертлар, мусиқашунослар назаридан ўтказди. Дастлабки саралаш босқичларида мамлакатимиз бўйича 12134 нафар ёш «Ниҳол» мукофотини қўлга киритиш учун иккунда кураш олиб борди. Уларнинг 155 нафари танловнинг мамлакат босқичида иштирок этди.

Жорий йилнинг 14-16 июль кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб

Фарғона Вилояти

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган мазкур тадбир ўқувчилар учун сифатли ва арзон ўқув куроллари, мактаб формалари харид қилишда ота-оналарга қўлайлик яратмоқда.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Фарғона вилоятидаги бозор ва савдо мажмуалари, таълим муассасаларида ҳам мактаб ярмаркалари иш бошлади. — Вилоятдаги бозор ва савдо мажмуаларидан ташқари, умумтаълим мактабларида ҳам шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Савдо шохобчалари орқали вилоятдаги 917 умумтаълим мактабида тахсил олувчи 333 мингдан зиёд ўқувчи зарур маҳсулотлар етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун савдо корхоналари ва тадбиркорлар билан шартномалар тузилиб, керакли микдордаги ўқув куроллари, мактаб формалари савдога чиқарилимоқда.

Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Ўзбекистон, Олтирқит туманларида ўқувчиларнинг мактаб формалари кўرғазмалари ташкил этилди. Ҳар бир ярмарка бўйича мактаб раҳбари ва педагог-ҳодимлардан маъсул шахслар белгиланган. Сотилаётган маҳсулотларнинг сифати, нархи, ўқув куролларидаги сурат ва бошқа восталарнинг маънавийтаммизга мослиги назоратга олинган. Бу

Андижон Вилояти

УЛУҒНОРДАГИ УЛУҒВОРЛИКЛАР

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН САМАРАСИДИР

Бундан қирқк йиллар муқаддам Андижон вилояти газетаси таҳририятига бир гуруҳ ёшлар ишга келгандик. Ёш эдик. Олов эдик. Қизиқишу шижоатимиз баланд эди. Муҳарриримиз Собиржон Шокаримов туманларга борганида, албатта, биримизни олиб кетарди. Иш ўрганардик. Тажриба орттирар эдик.

Айни йигим-терим палласида у киши Марказий Фарғона чўлига борадиган бўлди. Мен ҳамроҳ бўлдим. Ўша вақтда вилоят марказидан у томонларга тўғридан-тўғри магистраль йўл йўқ эди. Ё Асака-Шаҳрихон-Бўз туманлари қишлоқлари оралаб, ярим кун йўл юриш керак, ёки Олтинкўл-Балиқчи-Мингбулок йўналиши бўйича бориш мумкин эди.

Ҳа, бугун Улуғнор туманига келсангиз, улкан бунёдкорлик авжида эканлигига гувоҳ бўласиз. Қисса мuddатда туман марказига янгича қиёфа касб этган 61 та намунавий лойиҳадаги турар-жой қад ростлади. Турар-жой массиви яқинида барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаби туман маркази чирой қўшиб юборган. 2 миллиард 150 миллион сўм сарфланган ушбу қошона тездаёқ эл озгига тушди. Эндигина 10 ёшга тўлаётган ушбу мактаб ўқувчиси Абдурашул Эргашев «Янги авлод-2012» республика танловида классик кўшиқлар ижро этиш номинациясида гран-при мукофотига сазовор бўлди. Ҳозирда кунт билан ўрганишмоқда.

Боалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун қурилган замонавий типдаги мажмуа ҳам ҳаммаш гавжум. Бу ерда ҳатто шахарликларни ҳам ҳавасини келтирадиган гимнастика залида 100 нафардан зиёд ўғил-қизлар мураккаб спорт тури билан шугулланишаётди. Мустақиллик байрами арафасида эса суьний қоллама билан жиҳозланган мийнастадион спорт ишқибозларини



ўз бағрига олади. Келгуси йили айнаи шу ерда ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши якунига етади.

Қа, бугун Улуғнор туманига келсангиз, улкан бунёдкорлик авжида эканлигига гувоҳ бўласиз. Қисса мuddатда туман марказига янгича қиёфа касб этган 61 та намунавий лойиҳадаги турар-жой қад ростлади. Турар-жой массиви яқинида барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаби туман маркази чирой қўшиб юборган. 2 миллиард 150 миллион сўм сарфланган ушбу қошона тездаёқ эл озгига тушди. Эндигина 10 ёшга тўлаётган ушбу мактаб ўқувчиси Абдурашул Эргашев «Янги авлод-2012» республика танловида классик кўшиқлар ижро этиш номинациясида гран-при мукофотига сазовор бўлди. Ҳозирда кунт билан ўрганишмоқда.

Бундан қирқк йиллар муқаддам Андижон вилояти газетаси таҳририятига бир гуруҳ ёшлар ишга келгандик. Ёш эдик. Олов эдик. Қизиқишу шижоатимиз баланд эди. Муҳарриримиз Собиржон Шокаримов туманларга борганида, албатта, биримизни олиб кетарди. Иш ўрганардик. Тажриба орттирар эдик.

